УзССР Давлат китоб палатаси
Инв. №
Гос. книжная палата УзССР
21 ИЮН

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 136 (5427).
18 ИЮНЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ



Шаҳримиздаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳунар-техника билим юртларини, ўрта мактабларни битириб келган кўплаб ёшлар меҳнат қилишади.

СУРАТДА: бирлашманинг ёш зарбдор ишчиси, комсомол аъзоси Робия Сулаймонова.

М. Нуриддинов фотоси.

НИЯТИМИЗ ЯХШИ

БАРЧА СОВЕТ КИШИЛАРИ СИНГАРИ РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ҲАМ ЎРТОҚ К. У. ЧЕРНЕНКОНИНГ «ПРАВДА» ГАЗЕТАСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБЛАРИНИ ЖИДДИЛЛИК БИЛАН КУТИБ ОЛИБ, ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАМОҚДАЛАР.

«Правда» газетасининг ва америкалик журналист Г. Кингсбери-Смитнинг саволларига ўртоқ К. У. Черненконинг жавоблари давлатимиз, барча совет кишилари тинчлик, кескинликни юмшатиш, ҳалол музокаралар олиб бориш ниятида эканлигимизни яна бир карра тасдиқлади.

Менга, шунингдек планетадаги миллион-миллион бошқа аёлларга Вашингтон маъмуриятн ва гумашталарининг космосни ҳарбийлаштириш, тобора янги тур қуролларни яратиш борасидаги режалари мудҳиш режалар бўлиб туюлади. Хўш, бу қуроллар нимага керак? Улар ҳарбий жиҳатдан устун бўлиб олиб, бизнинг қандай яшашимизни ўз измига бўйсундириш учун шундай қилишаётган бўлса керак. Бунга ҳеч қачон йўл қўйилмайди. Бизнинг мамлакатимиз билан куч ишлатиш позициясида туриб гаплашишга ҳар қандай уринишлар барбод бўлади, тарихда бунга мисоллар оз эмас.

Ҳарбий хавфни камайтириш, бўшаган катта-катта маблағларни кишиларнинг фаровонлигига, уй-жойлар, касалхоналар, мактаблар ва болалар богчалари қуришга сарфлаш — олижаноб ва ҳалол мақсаддир. Шунга эришиш учун ҳар бир киши ўз жойида нимага қодир бўлса шуни қилмоғи керак. Шахсан мен шу беш йиллик бошидан бери ўн йиллик топшириқни бажариб қўйдим. 1985 йилнинг охиригача яна беш йиллик топшириқни бажаришга қарор қилдим.

М. ҚОДИРОВА,

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети «Совет халқининг 1941—1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги Ғалабасининг 40 йиллиги тўғрисида» қарор қабул этганлиги илгари хабар қилинган эди.

Дунёда шу нарса уқтирилмоқда, ўз миқёси ва оқибатлари жиҳатидан тарихда ҳеч кўрилмаган ва империализмнинг энг реакцион кучлари — ўз олдига қўйган биринчи социалистик давлатни йўқ қилиб ташлаш, ҳукмрон бўлиш мақсадини кўйган гитлерчилар фашизмига қарши жанг ғалаба тугалланган кунга 40 йил тўлди. Бу уруш Совет Иттифоқи учун озодлик уруши, адолатли уруш бўлди. Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари Коммунистик партия раҳбарлигида душманни тор-мор қилишга, социалистик Ватанни озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилдилар, Октябрь инқилоби муҳофаза этишдилар. Совет граждан Германияси ва унинг иттифоқчилари устидан қозонилган ғалабага, халқларини фашизм хавфидан халос этишга, умумий цивилизациясини омон сақлаб қолишга ҳал қилувчи ҳисса қўшдилар. Ўз ватанларини озод қилиш ва интернационал бурчларини шараф билан бажардилар. Бу —уларнинг инсоният олдидаги буюк хизмати бўлди.

Ўтган ўн йилликлар совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси жаҳоншумул тарихий аҳамиятини янада равшан ва тўлиқроқ кўрсатди. Германия фашизмининг сўнгра Япония милитаризмининг тор-мор этилиши бутун жаҳон тараққиётига катта чуқур таъсир ўтказди. Ғалабанинг оммасининг социал ва миллий озодлик йўлидаги кураши учун янги шароитлар яратилди. Прогрессив ҳаракатлар, демократик, тинчликсевар кучларнинг мустаҳкам позициялари мустаҳкамланди. Коммунистик ва ишчи партияларнинг сафлари кенгайди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди ва мустаҳкамланди. Империализм колониализмга барҳам берилишида, мустақил давлатларнинг кенг миқёсда пайдо бўлишида, уларнинг ўз тараққиёт йўлини танлаб олишларида муҳим роль ўйнади. Ҳозирги замон халқаро муносабатларининг ривожланиши ҳам Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг Германия фашизми устидан қозонган ғалабасининг 40 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган тантанали тадбирларга катта қизиқиш билан қараётганлигида яққол намоён бўлмоқда.

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари, Коммунистик партия раҳбарлигида ўзларининг фидокорона меҳнати билан металл ва ғалла, ёқилғи ва хом ашё учун, қудратли совет қуролини яратиш учун бўлган мислсиз жангда ғолиб чиқдилар. Совет хотин-қизлари мислсиз матонат ва меҳнат қаҳрамонлиги намуналарини кўрсатдилар. Фронтдаги ва мамлакат ичкарисидаги вазифаларни ҳал этишда Ленин комсомоли партиянинг жанговар ёрдамчиси бўлди. Уруш йилларида совет маданият арбоблари — ёзувчилар, шоирлар, композиторлар, артистлар, рассомлар, кино ходимлари, журналистлар халқнинг юксак таҳсинига сазовор бўлди. Улар ўз асарлари билан совет кишиларини оташин ватанпарварлик ва мардлик руҳида тарбияладилар.

Ленинчи Коммунистик партия совет халқи ғалабасининг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлди. У ўзининг кўп қиррали фаолияти билан сиёсий, давлат ва ҳарбий раҳбарликнинг, армия билан халқнинг, фронт билан мамлакат ичкарисининг мустаҳкам бирлигини таъминлади. Партиянинг даъватига бинoан бутун мамлакат фашизмга қарши ҳаёт-мамот жангига отланди. Коммунистик партия чинакам қурашувчан партия бўлди. Коммунистлар душманга қарши курашнинг энг қийин ва ҳал қилувчи участкаларида бўлдилар. Улар шахсий намуналари билан, эҳтиросли партиявий сўзлари билан совет кишиларига илҳом бердилар ва уларни ғалабага етакладилар.

Қарорда таъкидланишича, Югославия, Польша, Чехословакия ҳарбий қўшилмалари ва партизан армиялари ҳамда отрядларининг жангчилари, Болгария, Руминия, Албания, Венгрия ватанпарварлари, Қаршилик ҳаракатининг қатнашчилари ва фашизмга қарши яширин шароитда ишлаган азаматлар фашист босқинчиларга қарши фидокорона курашдилар. Ўз халқларининг содиқ фарзандлари, оташин интернационалистлар — коммунистлар озодлик курашининг олдинги сафларида бўлдилар. Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага эришишга АҚШ, Буюк Британия, Франция, Хитой халқлари ва армиялари, гитлеризмга қарши коалициядаги бошқа давлатларнинг халқлари ва армиялари катта ҳисса қўшдилар.

Улуғ Ватан урушининг сабоқлари сўнмас аҳамиятга эгадир. Бу сабоқларнинг энг муҳими шундан иборатки, уруш бошланмасдан аввал унга қарши қурашмоқ керак. Тарих тажрибаси ўргатишича, тинчликни сақлаб қолиш учун барча тинчликсевар кучлар империализмнинг агрессив, авантюрачилик йўлига қарши жипслашиб, баҳамжиҳат, актив ҳаракат қилишлари керак. Халқларнинг ҳушёрлигини ошириш, социализм ғалабаларини ардоқлаб сақлаш ва кўпайтириш зарур.

Реакцион империалист доиралар, аввало Америка Қўшма Штатларидаги империалист доиралар тарих сабоқларини писанд қилмай социализмга қарши яна «салб юриши» эълон қилган, СССРдан ва унинг иттифоқчиларидан ҳарбий устунликка эришишга уринаётган, қуролланиш пойгасини тўхтовсиз кучайтираётган, зўравонлик позициясида туриб, суверен давлатларни ўз измига юритишга интилаётган бир пайтда шундай қилиш, айниқса, муҳимдир. Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида Американинг биринчи зарба ядровий ракеталари жойлаштирилаётганлиги, АҚШнинг Узоқ Шарқдаги ҳарбий тайёргарликлари кучайтирилаётганлиги, Япония тобора ҳарбийлаштирилаётганлиги жиддий таҳдид туғдирмоқда. АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари томонидан солинаётган уруш хавфи ошиб бораётганлиги Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини, Совет Қуролли Кучларининг жанговар қудратини доимо мустаҳкамлашни талаб қилади.

Совет Иттифоки қардош социалистик мамлакатлар билан бирга уруш хавфини тугатиш, қуроллариш пойгасини жиловлаш ва тинчликни сақлаб қолиш учун изчиллик билан ҳаракат қилмоқда. Коммунистик партия билан Совет давлати тинчликни сақлаб қолиш, ядро ҳалокатининг олдини олиш, ҳарбий-стратегик кучларнинг вужудга келган мувозанати бузилишига йўл қўймаслик учун имкони бўлган ҳамма ишни қилмоқдалар. Варшава Шартномаси мамлакатларининг халқлари ва армиялари қардошлик иттифоқи, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган социалистик давлатларнинг муваффақиятли равишда ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорлиги тинчликни сақлаб қолиш ишига пухта равишда хизмат қилмоқда.

Коммунистик партиянинг қатъий ва изчил сиёсати туфайли совет халқи қирқ йилдан бери тинчликда яшаб келмоқда. Совет жамиятининг экономикаси, сиёсий системаси, социалистик демократия муттасил ривожланмоқда, умумхалқ давлати мустаҳкамланмоқда, совет кишиларининг моддий ва маданий турмуш даражаси ошмоқда. Ривожланган социализм жамияти совет кишилари барча авлодларининг фидокорона меҳнати билан барпо этилди ва такомиллаштирилмоқда.

Совет халқи Ер юзида тинчлик ва ҳаёт учун Улуғ Ватан урушида ғалаба қозонди. Инсоният фашизм асорати хавфидан халос бўлишга, ўз озодлигига кўп жиҳатдан дунёдаги биринчи социалистик давлат туфайли, унинг душман устидан қозонган тарихий ғалабаси туфайли эришди.

КПСС Марказий Комитети совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси 40 йиллиги куни — 1985 йил 9 майни умумхалқ байрами сифатида нишонлашга қарор қилди.

Партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларига, Армия ва Флотнинг сиёсий органларига саноат корхоналарида, қурилишларда, колхозларда, совхозларда, муассасаларда ва ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда ва кемаларда, барча меҳнат коллективларида совет халқининг Улуғ Ватан урушидаги ғалабаси, Совет Иттифоқининг фашистлар Германиясини ва милитаристлар Япониясини тор-мор этишга қўшган ҳал қилувчи ҳиссаси, Совет Қуролли Кучларининг халоскорлик хизматлари жаҳоншумул тарихий аҳамиятини тушунтириш соҳасида кенг миқёсдаги идеологик, оммавий-сиёсий ишни авж олдириб юбориш тавсия этилди.

КПССнинг душман устидан қозонилган ғалаба ташкилотчиси ва илҳомчиси сифатидаги роли, совет кишиларининг, Армия ва Флот жангчиларининг, партизанларнинг ва яширин курашчиларининг, мамлакат ичкарисидаги меҳнатчиларнинг оммавий қаҳрамонлиги атрофлича очиб берилсин.

Агитация-пропаганда ишининг ҳамма воситалари ёрдамида КПССнинг ривожланган социализмни такомиллаштириш, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини, совет жамиятининг социал-сиёсий, ғоявий ва интернационал бирлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги самарали ва собитқадам фаолияти, партиянинг халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги ғамхўрлиги яққол ва ишонарли тарзда кўрсатиб берилиши керак. Коммунистик партия билан Совет давлатининг тинчликсевар ташқи сиёсат йўли, жаҳон социализм позицияларининг мустаҳкамлиги, қардош коммунистик ва ишчи партиялари, барча тинчликсевар кучларнинг уруш хавфига қарши актив ҳаракатлари атрофлича очиб берилсин.

Империализмнинг халққа қарши реакцион моҳияти, АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчиларининг урушқоқлик режалари, реваншизм ва япон милитаризми фош этилсин, мафкуравий душманларимизга, иккинчи жаҳон урушининг тарихини сохталаштирувчи турли-туман қаллобларга далил-исботлар билан кескин зарба берилсин.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни байрам қилиш тадбирларидан совет кишиларининг партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумлари қарорларини амалга оширишдаги меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини янада кучайтириш учун, 1984 йилги топшириқларни ва умуман беш йилликни бажариш йўлидаги социалистик мусобақани ривожлантириш учун тўла-тўкис фойдаланиш таклиф қилинди. Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабаси байрамини муносиб кутиб олишга қаратилган қимматли меҳнат ташаббуслари ҳар томонлама қўллаб-қувватлансин ва ривожлантирилсин. Ҳозирги шароитда план топшириқларининг бажарилиши, ҳалол, унумли меҳнат, юксак уюшқоқлик ва интизом — гражданлик вазифасигина эмас, шу билан бирга ҳар бир совет кишисининг, ҳар бир меҳнат коллективининг ватанпарварлик бурчи ҳам эканлиги доимо тушунтирилсин.

Улуғ Ғалабанинг юбилейига тайёргарлик бутун ғоявий-тарбиявий ишни кучайтиришга кўмаклашиши керак. Агрессив империалист доиралар кескинликни кучайтираётган, Совет Иттифоқига, қардош социалистик мамлакатларга қарши душманлик руҳидаги мафкуравий кампаниялар ва ғаламисликларни уюштираётган вазиятда меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва пролетар социалистик интернационализми, СССР халқларининг дўстлиги руҳида тарбияланишнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади. Ҳар бир совет кишиси аниқ синфий позициялар, юксак сиёсий ҳушёрлик руҳида, империализмга нисбатан мурosасизлик, социализмнинг ҳақлиги ва енгилмаслигига эътиқод руҳида тарбияланиши зарур.

Коммунистик партия, совет халқи, унинг Қуролли Кучларининг шонли жанговар анъаналарини пропаганда қилиш, ҳарбий ватанпарварлик ва мудофаа-оммавий ишни кучайтириш муҳим вазифадир. Совет кишилари, аввало, ёшлар ҳарбий иш қўникмаларини эгаллаб олишлари, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга шай бўлишлари керак.

КПСС Марказий Комитети уруш ва меҳнат ветеранларига эътиборни кучайтириш, иқтисодий ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида уларнинг ролини ошириш, ёш авлодни тарбиялашга уларни кенгроқ жалб этиш, Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш вазифасини иттифоқдош республикаларнинг Компартиялари Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетлари, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, министрликлар, идоралар, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига юклади. Уруш қатнашчилари учун амалдаги қоидаларда белгилаб қўйилган енгилликлар ва имтиёзлар берилиши устидан контроллик қилинсин. Уруш инвалидларининг ва ҳалок бўлганлар оилаларининг моддий-маиший шароитларини янада яхшилашга, шу жумладан уларга биринчи навбатда уй-жой берилишига ва медицина хизмати кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига, Армия ва Флот сиёсий органларига, министрликлар ва идораларга, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советларига, халқ депутатлари Советларига, ижроия комитетларига, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР ДОСААФ Марказий Комитетига, Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг правленниесига, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзига, Уруш ветеранлари совет комитети, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетига, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик совет комитетига, ижодий союзларга Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг 40 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни байрам қилиш конкрет тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифаси топширилди.

1985 йилнинг 3 майдан 9 майигача бўлган даврда Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, ўлка, область, округ ва район марказларида, шаҳарларда, саноат корхоналарида, совхоз ва колхозларда, муассасалар, ўқув юртларида, ҳарбий қисмлар ва кемаларда тантанали йиғилишлар ўтказилади, Улуғ Ватан уруши ветеранларини шарафлаш ташкил қилинади.

1985 йил 8 май куни Кремлдаги Съездлар саройида Москва шаҳри меҳнаткашлари ҳамда Москва гарнизони жангчилари вакилларининг Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши бўлади.

Қаҳрамон шаҳарлар меҳнат коллективларининг Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ хотира вахтасини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси қўллаб-қувватланди.

9 май куни немис-фашист босқинчилари ва япон милитаристларига қарши курашда ҳалок бўлган Армия ва Флот жангчилари, партизанлар, қаҳрамон подпольчиларнинг ҳайкаллари ва обидаларига, қабрларига гулчамбарлар қўйилади.

СССР Маданият министрлиги, СССР Кинематография давлат комитети, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг Бош сиёсий бошқармасига, ижодий союзларга совет халқи ва Қуролли Кучларининг Улуғ Ватан урушидаги қаҳрамонона жасорати тўғрисида, ғалабанинг ворислари бўлмиш совет жангчилари ҳақида янги бадиий ва ҳужжатли асарлар яратиш борасида зарур ишларни қилиш тавсия этилди.

1985 йилнинг апрель ойида ижодий союзлар ва ташкилотларнинг 1941—1945 йилларидаги Улуғ Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган пленуми ўтказилади.

Марказий газеталар ва журналларнинг редакцияларига, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетига, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига, ТАССга, «Новости» матбуот агентлигига, Бутуниттифоқ авторлик ҳуқуқлари агентлигига, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий адабиёт, «Плакат» нашриётларига Ғалабанинг 40 йиллигига тайёргарлик ва уни байрам қилишни кенг кўламда ёритишни таъминлаш, Улуғ Ватан урушида совет халқи ғалабасининг оламшумул-тарихий аҳамиятини очиб берувчи китоблар, плакатлар, альбомлар, бошқа материалларни СССР халқлари тилларида ва чет тилларда чиқариш вазифаси топширилди. Нашриётларнинг планларида кўзда тутилган ва уруш тўғрисидаги энг яхши бадиий, ҳужжатли ва мемуар асарлар ўз вақтида нашр этилсин.

СССР Фанлар академияси, Мудофаа министрлиги ҳамда Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасига 1985 йилнинг биринчи ярмида Улуғ Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг 40 йиллигига, шунингдек милитаристик Японияннинг тор-мор келтирилишига бағишланган илмий конференция ўтказиш вазифаси топширилди.

ВЛКСМ Марказий Комитети, СССР ДОСААФ Марказий Комитети, Уруш ветеранлари совет комитети ёшларнинг революцион, жанговар ва меҳнат шон-шуҳрати жойлари бўйлаб юришни ғолибларининг Бутуниттифоқ слётини 1985 йилнинг май ойида қаҳрамон шаҳар Тулада ўтказадилар.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Физкультура ва спорт комитетига, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетига, СССР ДОСААФ Марказий Комитетига СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, СССР Маориф министрлиги, СССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан биргаликда 1985 йилнинг иккинчи кварталида Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаб, қаҳрамон шаҳарларда ёшларнинг биринчи Бутуниттифоқ ўйинларини ўтказиш тавсия этилди.

1985 йилнинг майида Москвадаги Тушино аэродромида Улуғ Ватан урушида совет халқи Ғалабасининг 40 йиллигига бағишланган авиация спорт байрамини ўтказиш мўлжалланади.

СССР Кинематография давлат комитетига 1985 йилги Бутуниттифоқ кинофестивалини Ғалабанинг 40 йиллигига бағишлаш, унга чет эл кинематографияси вакилларини таклиф этиш вазифаси топширилди.

СССР Маданият министрлиги, СССР Рассомлар союзи 1985 йилнинг апрель-май ойлари Москвадаги Марказий виставка залида «Улуғ Ғалабанинг 40 йиллиги» деган Бутуниттифоқ бадиий виставкасини ўтказадилар.

СССР Маданият министрлиги, СССР Кинематография давлат комитети, СССР Ёзувчилар союзи, СССР Композиторлар союзи, СССР Рассомлар союзига, Бутун Россия театр жамияти, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасига ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги энг яхши бадиий асарлар учун А. Фадеев, А. Александров, А. Довженко, М. Греков ва бошқа атоқли маданият арбоблари номидаги медалларни Ғалабанинг 40 йиллиги кунида бериш тавсия этилди.

Бутуниттифоқ «Билим» жамиятига Москвада, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, ўлка, область марказларида, шаҳарлар ва районларда Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган ижтимоий-сиёсий лекциялар ўтказиш вазифаси топширилди.

СССР Маданият министрлигига, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетига, клублар, кутубхоналар, музейлар, паркларда лекциялар, тематик кечалар, уруш ветеранлари билан учрашувлар ташкил этиш тавсия қилинди.

Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган ҳаваскорлар бадиий ижодиётининг Бутуниттифоқ кўриги, энг яхши қўшиқ конкурси ўтказилади.

КПСС Марказий Комитети совет кишилари Ленин партияси теварагига янада маҳкам жипслашиб, Улуғ Ватан урушида Ғалабанинг 40 йиллигини ҳўжалик ва маданий қурилиш ҳамма участкаларида янгидан янги ютуқлар билан нишонлайдилар, фидокорона меҳнатлари билан социалистик Ватанинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди.

ЎҚИШ ТУГАДИ

Партиявий, оммавий-сиёсий ва иқтисодий таълим-тарбия системасида ўқув йили тугади.

● **Ўн бир** мингдан кўп марксизм-ленинизм асослари мактабида, 12 минг илмий коммунизм мактабида, қарийб 2 минг ёш коммунистлар мактабида, 200 фалсафа (методология) семинарида, партия-хўжалик ва идеология активининг 600 дан кўп мактабида, 16 та марксизм-ленинизм университетида якунловчи машғулотлар бўлиб ўтди.

● **Партия** ўқуви системасида жами 721 минг тингловчи шуғулланди. 26 минг коммунистик меҳнат мактаби, 8 мингта конкрет экономика мактаби, 25 мингта экономика семинарларида ҳамда комсомол сиёсий маорифи системасида ҳам якунловчи машғулотлар бўлиб ўтди. КПСС аъзолари ва партиясиз активлардан 93 мингга яқин киши пропаганда ишини олиб борди. Партиявий, оммавий-сиёсий ва иқтисодий ўқиш ҳамма формаларида, комсомол сиёсий маорифида қарийб 2,8 миллион тингловчи ўз билимини оширди.

● **Якунловчи** илмий-амалий конференциялар, семинарлар, суҳбатлар, имтиҳонлар, зачётларда марксизм-ленинизм назарияси ва КПСС сиёсати масалалари, ривожланган социализмни такомиллаштириш, илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, тежамкорлик режимини кучайтириш актуал проблемалари кенг кўламда муҳокама қилинди. СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини юксалтириш масалалари ҳам тилга олинди. Машғулотларда меҳнаткашларни КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1983 йил июнь Пленуми ва кейинги Пленумларининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг кўрсатмалари асосида меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбиясини яхши йўлга қўйишига доир проблемаларга кўп вақт ажратилди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

1 СЕНТЯБРНИ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ— БИЛИМ КУНИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

СССР Олий Советининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 1984 йил 12 апрелдаги қарорига мувофиқ СССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. 1 сентябрь умумхалқ байрами — Билим куни, деб эълон қилинсин.

2. СССР Олий Совети Президиумининг «Байрам ва унутилмас кунлар тўғрисида» 1980 йил 1 октябрдаги Фармонининг 1-моддаси (СССР Олий Советининг Ведомостлари, 1980 йил, № 41, 846-бет) охирига қуйидаги мазмундаги абзац қўшилсин:

«Билим куни — 1 сентябрь».

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ЧЕРНЕНКО.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль.
1984 йил 15 июнь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎРТОҚ В. А. ХАЙДУРОВни ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:

Ўртоқ Виктор Алексеевич **Хайдуров** Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг раиси қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Г. ҲАЙДАРОВА.

Тошкент шаҳри.
1984 йил 15 июнь.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставкасида Германия Демократик Республикаси «Электротехника — экспорт-импорт» бирлашмаси бу ерда намойиш этиладиган электр ускуналари саноат кўргазмаси очилиши муносабати билан пойтахт журналистларига матбуот конференциясини ўтказди. Унда ГДРдан келган мутахассислар қардош мамлакатда электр ускуналари тайёрловчи корхоналарнинг тараққиёти ва истиқболи ҳақида гапириб бердн.

●

Тўқимачилар маданият саройида Тошкент тўқимачилик комбинати ҳаваскор тикувчилари тайёрлаган кийимлар моделлари кўргазмасини намойиш этиш ниҳоясига етди. Ёш чевар тикувчилар кўргазмага тақдим этган либослар газламалари ана шу корхонанинг ўзида тайёрланган.

●

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида таниқли ёзувчи ва шарқшунос Азиз Нималло (А. В. Станишевский) туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлади.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 22 даража иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво кам бўлутли, аммо ёғингарчиликсиз бўлмайди. Кечаси 14—19, кундузи 29—34 даража иссиқ бўлади.

Якунловчи конференция

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия-хўжалик активи мактабининг тингловчилари учун Тошкентда якунловчи илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Конференция партиянинг стратегик вазифаси сифатида ривожланган социализмнинг планли, ҳар томонлама такомиллаштириш масалаларига бағишланган эди. Конференцияда республика министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, партия ва касаба союз ходимлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

«ПРАВДА» САҲИФАЛАРИДА

● Сандинчилар Миллий озодлик фронти миллий раҳбарлигининг аъзоси, Миллий уйғониш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг координатори Д. Ортега бошчилигидаги Никарагуа делегацияси кеча амалий визит билан Москвага келди.

● «Ҳамдўстликнинг қудратли кучи» — газетанинг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.



«Ташгипрогор» лойиҳалаш институтидаги 3-архитектура қурилиш бўлими ходимлари Тошкентдаги кўпгина диққатга сазовор биноларнинг муаллифлари саналишади. Ушбу бўлимни тажрибали архитектор Тўлқин Тошмуҳамедов бошқариб келмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) бўлим бошлиғи Т. Тошмуҳамедов, архитектор М. Қурбонова ва лойиҳа бош архитектори М. Бурлаковлар навбатдаги лойиҳанн кўздан кечиришмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.

• Пойтахт қурилишларида

Уй муборак!

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасининг 1-уйсозлик комбинатига қарашли 2-қурилиш бошқармаси коллективи шаҳримизда катта ҳажмда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширяпти. Кунн-кеча уйсозлар яна иккита беш қаватли турар жой биносини фойдаланишга топширдилар. Улардан бири Бульварная кўчасида, иккинчиси Юнусобод массивида қад кўтарди. 50 ва 60 квартирали бу уйлар замонавий планлаштирилган. Янги уйларни бригада пудрати методи асосида ишлаётган Роберт Ягофаров ва Николай Ванин бошлиқ-лигор бригада аъзолари бунёд этдилар.

— Злобин методи асосида ишлаш,— дейди бошқарма ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи А. Шварц, — ҳар икки уйни муддатидан аввал, яхши сифат билан фойдаланишга топшириш имконини берди. Уйларнинг пардоз ишларини мазкур комбинатнинг 1 ва 21-қурилиш бошқармаларн амалга оширди. Ҳозир янги уйларга ҳамшаҳарларимиз кўчиб ўтмоқдалар.

М. ФЕЛЬДМАН.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

Биринчи марта намойиш қилинмоқда

ПРАГА. Чехословакия пойтахтида электрон контроль-ўлчов асбоблари совет кўргазмаси очилди. Унга вольтметрлар, паст частотали генераторлар, осциллографлар ва ҳисоблаш қурилмаларининг энг янги типлари қўйилган. Булар ЧССР-да биринчи марта намойиш қилинмоқда. Кўргазма республика халқ хўжалиги турли тармоқлари мутахассисларида зўр қизиқиш туғдирди.

Электрон контроль-ўлчов асбоблари соҳасида икки мамлакат ўртасида бир-бирига маҳсулот етказиб бериш ҳажми муттасил кенгаймоқда. Шу беш йиллик охирига бориб, ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажми 10 миллион сўмга етиши мўлжалланмоқда.

СОВЕТ ТАШАББУСЛАРИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

КОБУЛ. ПБИП Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР ташқи ишлар министри С. Ольшовскийнинг АДРга қилган визити якунлари юзасидан бу ерда эълон қилинган ахборотда айтилишича, Афғонистон билан Польша Совет Иттифоқи ҳамда бошқа социалистик мамлакатларнинг тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга, қурол-яроғларни чеклашга, кескинликни камайтиришга ва давлатларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлигига асосланган муносабатлар ўрнатилишига қаратилган амалий ва реалистик таклифлари ҳамда ташаббуслари, ни тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини изҳор этадилар. Ахборотда ҳалқаро вазиятни соғломлаштиришн и н г КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси К. У. Черненконинг нутқларида баён этилган кенг программасига юқори баҳо берилади.

АҚШ маъмурияти ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари авантюрачилик йўли сабабли дунёдаги вазият кескинлашганлиги хусусида ташвиш билдирдилар. Бу вазиятнинг ҳарбийстратегия вазнатини бутун бий Европа ҳамда канинг яна янги ракеталарини жойлаштириш мақсадида лайди. АҚШнинг Давлат нидаги ҳукумат ларни кўллаб-ладилар. Улар ҳукумати Ирок урушини тишга чақирдилар. Исроилнинг ҳарбий ларига қарши сига чек қўйилаб қилдилар.

ЯДРО ҚУРОЛЛАРИ ПОЙГАСИ ЧЕКЛАНСИН

ЛОНДОН. Шеффилд шаҳрида «яқинлашиб келаётган ядро ҳалокатининг олдини олайлик» деган шиор остида янги жаҳон урушининг инсоният учун келтириши мумкин бўлган оқибатлари масаласига оид илмий конференция бўлиб ўтди. Конференцияда Англиянинг таниқли олимлари — «Олимлар ядро урушига қарши» ташкилотининг аъзолари, сиёсий арбоблар, жамоат арбоблари, урушга қарши оммавий ҳаракат намояндалари қатнашдилар. Конференцияда қуйидагилар таъкидланди: ядро қуролли барча мавжуд запасларининг фақат бир проценти қўлланилиши натижасида кўп ойлар ва ҳатто йиллар давомида иқлим шароитлари, нинг кескин равишда ўзгариши рўй беради.

Конференцияда қабул қилинган якунловчи ҳужжатда унинг қатнашчилари АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатлари раҳбарларига мурожаат қилиб, уларни ядро қуроллари пойгасини чеклаш юзасидан дарҳол чоралар кўришга, ядро ҳалокатининг олдини олиш учун кўмаклашишга даъват этдилар.



Польша автомобиль клуби ҳар йили ташкил этаётган Варшавадаги ҳавоскор автомобиль механикларни слёти яхши анъанага айланиб боряпти. Бундай слётларда иштирок этишни хоҳлаган ҳар бир киши ўзига хос имтиҳондан ўтиши керак. Бунинг учун у ўзининг «севимли» машинасида белгиланган тезликда унча катта бўлмаган дистанцияни босиб ўтиши лозим.

СУРАТДА: варшавалик автомобиль ҳаваскорлари томонидан тикланган Чехословакиянинг дастлабки «Татра» намуналаридан бири слёт қатнашчиларининг диққатини ўзига тортди.

А. Потемкин фотоси. ТАСС фотохроникаси.

БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ҚУВОНЧЛИ НАТИЖА

Шаҳар электр транспорти кейинги йилларда энг юксалган тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Ҳамшаҳарларимизнинг қулай транспортга бўлган талабини қондириш мақсадида троллейбусчилар коллективи бу йил 98 миллион йўловчи манзилини яқин қилиш мажбуриятини олдилар. Ҳар куни депо дарвозаларидан чиққан 281 та троллейбус белгиланган маршрутларда аҳоли манзилини яқин қиляпти.

Биргина Чилонзордаги 2-троллейбус паркининг ўзидан бир кунда 119 та троллейбус етти маршрут бўйлаб ҳаракат қилиб, 21.258 километр йўл босмоқда. Ҳар бир машинанинг иш вақти 11,3 соатга кўтарилиши социалистик мусобақанинг қувончли натижасидир.

Транспортчилар зиммасига масъулиятли ва шарафли вазифалар юкланган. Бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш мақсадида илғор маршрутлар тажрибасини кенг ёйишга барча куч ва имкониятлар сафарбар этилди. Троллейбусларнинг аниқ ҳаракат қилишини таъминлаш, ҳаракатдаги составлардан унумли фойдаланиш оммалаштирилмоқда.

Аҳолига троллейбус хизмати кўрсатишни тубдан яхшилашда Я. Симонов етакчилигидаги 7-троллейбус маршрутининг ҳайдовчилари, айниқса намунали хизмат кўрсатиш самарадорлигига эришмоқдалар. Шаҳар белбоғи ҳисобланган Қорақамиш — Дўмбробод оралиғи 20,5 километр масофани белгиланган вақтда босиб ўтишда маршрут коллективи самарали ишламоқда. Уз касбининг моҳир усталари Н. Аҳмедов, А. Ғуломов, С. Юсупов, Ў. Толиповлар бой тажрибаларини транспорт самарадорлигини оширишга, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятни юксалтиришга қаратмоқдалар. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига ўн биринчи беш йиллик йўловчилар ташиш планини муддасига етказишга аҳд қилдилар.

Ҳа, троллейбусчилар коллективи юбилей йили зиммаларига юксак мажбурият олганлар. 36,9 миллион аҳоли манзилини яқин қилиш билан бирга пландан ташқари 500 минг йўловчига маданий хизмат кўрсатиш эзгу ниятида иш вақтининг ҳар лаҳзаси қадрқимматини ўлчаб, социалистик мусобақани авж олдирмоқдалар, резерв-лар ва ички имкониятларни тўла ишга солмоқдалар.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛИК ҲАРАКАТИГА—КЕНГ ЙЎЛ

ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Рационализаторл и к ва ихтирочилик бугунги кун техника тараққиётининг асосий воситаси бўлиб қолмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинатида техник ижодкорларнинг катта группаси муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ўтган 1983 йилда корхонанинг рационализатор ва ихтирочилари отряди умумий иқтисодий самараси 1420,1 минг сўмлик 655 рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини ишлаб чиқаришга жорий этишди. Комбинатнинг техник ижодкорлари ишлаб чиқаришнинг барча соҳасини — техника-технологияни такомиллаштириш, маҳсулот ассортиментини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, хом ашё, ёқилғи, материал ресурсларини тежаш масаласини қамраб олишга интилишмоқда.

1983 йил натижаларига кўра иккинчи йигирув-тўқув фабрикасининг рационализаторлари техник ижодкорлар мусобақасида биринчи ўринни эгалладилар. Шунингдек, пардозлаш ва корхона бош энергетика бўлимининг ишчилари, инженер-техник ходимлари яхши натижаларни қўлга киритишди.

Биринчи йигирув фабрикасининг техник ижодкорлар группаси — слесарь У. Эргашев, тараш цехи бошлиғи У. Музаффаров, ремонт-механика бўлими мастери А. Волковалар «ЧММ—450» ва «ЧММ—45—МЗ» тараш машиналарининг пилта ўраш қурилмасига микро-автоматик ва включатель ўрнатишни таклиф қилишди. Эндиликда ўралётган пилта белгиланган нормага етгач, машина автоматик тарзда тўхтайдики, бу пилтанинг нормадагидан ортиқ ўралиши, натижада брак ярим фабрикат юзага келишининг олдини олади. Ишлаб чиқаришга жорий этилган бу таклиф йилига 11631 сўмлик хом ашёни тежаш имконини беради. Бу рационализаторлик таклифига конкурснинг биринчи ўрни берилди ва авторлар пул мукофоти билан тақдирланди.

Пардозлаш фабрикасининг механиги Й. Тошметов, слесарь М. Худалашевлар «Л30—120» машиналаридаги тахловчи агрегат конструкциясига ўзгартириш киритишни таклиф қилишди. Корхона ёш рационализаторлари кўрик-конкурсининг биринчи совринини олган бу таклиф ускуналар тўхтовини камайтириш ва самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, йилига 6595 сўм самара беради.

Ёш рационализаторлар кўрик-конкурсининг иккинчи совриии ип фабрикасининг мастери А. Ҳасанов, электр-монтёр Ш. Жуматов, электр бўлими бошлиғи С. Синолицийлардан иборат техник ижодкорлар группасига берилди.

Рационализаторлар — техник ремонт цехи бошлиғи Г. Агишева, вал ўрнатувчи В. Абдуллаевлар «Технологияни ўзгартириш ҳисобига валларнинг хизмат муддатини узайтириш» мумкин, деб ҳисоблашди ва буни амалда исботлаб беришди.

Умумкорхона рационализаторлари конкурсининг совринли учинчи мукофотига пардозлаш фабрикаси рационализаторлари конструкторлик бюроси бошлиғи В. Мутин, оқартириш цехи бошлиғи А. Икромовларнинг «СБМ—2» қуритиш барабанлари агрегатини модернизациялаш» деб номланган таклифи сазовор бўлди. Машиналар тўхтовини камайтириш ва хом-ашё тежамкорлигига йўналтирилган бу таклиф йилига 3158 сўм соф фойда келтиради.

Корхонанинг кўп сонли рационализаторлари 1984 юбилей йили мусобақасида ҳам актив иштирок этишмоқда.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ.

• *Маҳаллада нима гап?*

КОММУНИСТЛАР ЕТАКЧИ КУЧ

Фрунзе районидаги Абдулла Авлоний маҳалласи 600 га яқин хонадондан иборат. Бу ерда барча маросимлар активлар билан ҳамкорликда ўтказилади. Маҳалла комитетининг раиси Иноят Юсупов 42 йилдан буён маҳалла ишига бош-қош. Партия ташкилотининг секретари Неъмат ака Рихсиев ҳам тинибтинчимас. Уни маҳалла аҳолиси отахон деб атайди.

Маҳалла активлари — пенсионерлар советининг раиси Улуғ Ватан уруши иштирокчиси С. Муҳамедов, Улуғ Ватан уруши иштирокчиларидан С. Йўлдошев, А. Тошхўжаев, Ғ. Абдуллаев ҳар бир ишни маслаҳат билан олиб боришади.

Маҳалламизда уларнинг ташаббуси билан озиқ-овқат магазини, маданият уйи, омонат касса, қизил чойхона, пенсионерлар боғи, нонвойхона очилди.

Маҳалла аҳолисидан 42 йигит Улуғ Ватан урушидан қайтмади. Уларнинг хотирасига чойхона олдида ҳашаматли эсдалик ёдгорлиги ўрнатилган бўлиб, унда 42 кишининг исми ва фамилиялари ёзилган. Ёдгорлик пойидан гулчамбарлар аримайди.

Қизил чойхона бургачини доҳиймиз В. И. Ленининг асарлари, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган брошюралар безатиб турибди. Бундан ташқари маҳалла активлари, пенсионерлар ҳам ҳар хил темаларда лекциялар олиб боришади.

Маҳаллада 30 дан ортиқ коммунист бўлиб, улар маҳалла партия ташкилотининг раҳбарлигида иш олиб боради. Улар қўшни Ракат, Обувная маҳаллаларида ташкил этилган партия группаларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

А. ИСМОИЛОВ, истеъфодаги медицина хизматн подполковниги, маҳалла партия ташкилоти секретарининг ёрдамчиси.

Бугун газ ва иссиқлик трассалари қурилишида

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари рейди

ҚИШ ҒАМИНИ ЁЗДА ЕНГ...

ЁКИ ЎТГАН ҚИШ САБОҚЛАРИ НИМАЛАРНИ КЎРСАТДИ?

Ўтган қиш тошкентликлар хотирасида узоқ сақланиб қолади. Чунки икки ой мобайнида шаҳарда қаттиқ совуқ бўлди. Айниқса, Куйбишев, Киров, Октябрь, Собир Раҳимов ва Чилонзор районлари аҳолиси аёзли қиш азобини тортдилар. Мазкур районларнинг аҳолисидан «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциясига юзлаб шикоятлар тушди. Улар «Наҳотки икки миллионли шаҳар қишга тайёргарлик кўрмаган бўлса, шаҳарни иссиқлик билан таъминловчи корхоналарнинг раҳбарларн қаёққа қараш-ган!» — дея ажабланмоқдалар.

Совуқ кунлар шаҳарни иссиқлик билан таъминловчи ташкилотларнинг «сирини» очиб қўйди. Бу билан иссиқлик манбаларини кузги-қишки мавсумга тайёрлаш шунчаки енг учнда, «қўлдан кетгунча—эгасига етгунча» қабилида бажарилганлиги маълум бўлди. Шунингдек, мутасадди раҳбарларнинг «қиш иссиқ келади» деб хотиржамликка берилганинн, назорат ишларининг суст бўлганлигини ҳам унутмаслик керак. Ҳуллас, бунинг жуда кўп объектив ва субъектив сабаблари бор. Энди бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки халқ мақолида айтилганидек, «Ҳар кунги ваъзхонликдан, бир кунлик жонбозлик яхши».

Республика партия ва ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли қишдаёқ зудлик билан шаҳарни иссиқлик энергияси билан таъминлаш бўйича муайян ишлар бошлаб юборилган эди. Ҳозир янги иссиқлик трассалари, газ қувурлари, янги қозонхоналар бунёд этилмоқда, мавжудларн тўла реконструкция қилиняпти.

Шунингдек, шаҳарни иссиқлик билан таъмнлаш ишларини яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетн қошида «Таштеплокоммунэнерго» бирлашмаси тузилди.

Хўш, қурилиш ишларн қандай боряпти! График изидан чиқмаяптимн! Ўтган қишдаги хатолар такрорланмайдимн! Бу йил шаҳар, айниқса чекка районлар нормал иситилядимн! Район уй-жой эксплуатацияси ишлаб чиқариш трестлари, ЖЭКлар қишга тайёргарлик бўйича қандай ишларни амалга оширишяпти! Иссиқлик манбаларини қишга ҳозирлашда қандай тўсиқлар бор! «Таштеплокоммунэнерго» бирлашмасининг фаолнятн қандай!

Редакцияга келаётган хатларнинг аксарият мазмуни ана шу саволларга келиб тақалади. Тошкентликларнинг «бу йил ҳам қишда совуқ қотмаймизми!» дея шу иссиқ кунларда ташвишланаётганликларн тушунарли. Ахир «Қиш ғамини ёзда е» деб бежиз айтмайдилар.





СУРАТЛАРДА: Қатортол ва Шота Руставели кўчаларидаги иссиқлик трассаларн қурилишида.

М. Нурмдинов фотолари.

1. ҚАЛОВИ ТОПИЛСА, ҚОР ЁНАР

Шу йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўрсатмасига биноан, Тошкент область ва Тошкент шаҳар партия комитетлари раҳбарлиги остида қисқа муддатда Тошкент ГРЭСидан 1-«Шимолий-шарқ» қозонхонасига газ қувури ётқизилиб, «зангори олов» келтирилди. Натижада пойтахтнинг Куйбишев районн ва Киров районининг бир қисмини иссиқлик энергияси билан таъминлаш яхшиланди. Март ойининг бошида эса 3-«Ғарбий» қозонхона билан туташувчи алоҳида газ қувури қурилиши бошлаб юборилди. Пировардида бу қозонхонани газ билан етарли таъминлаш, Октябрь районн ва Собир Раҳимов районининг бир қисмини иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш имкони туғилди.

Белгиланган программага биноан ҳозирда иссиқлик трассаси, газ қувурлари, қозонхоналар қурилиши ва реконструкциялаш ишлари давом этмоқда. Чунончи, Новий путь, Катта Олмазор, Қатортол кўчаларида ва бошқа жойларда иссиқлик трассалари қурилмоқда.

Мана Қатортол кўчасидамиз. Иш қизғин.

— Трассанинг узунлиги 1413 метр, — дейди «Ташинжстрой» трестининг 1-қурилиш бошқармасининг (бошлиғи М. Клубаков) комплекс бригадаси бошлиғи Ғафуржон Раҳматжонов. — Зиммамизга юксак масъулият юклатилган. Трассани тез ва соз ишга тушириш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз. Иш график асосида олиб бориляпти.

«Узбекгидроэнергост р о й» трестининг махсус ишлар бошқармаси қурувчилари ҳам яхши ишлашяпти. Улар Новий путь кўчасидаги трасса қурилишини график бўйича олиб боришяпти. Бу албатта қувонарли. Лекин иш суръатини янада жадаллаштириш керак. Бунинг учун қурувчиларда имконият-лар мавжуд. Чунки бу икки сергавжум кўчани узоқ муддат «банд» қилиб бўлмайди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, шаҳар ичида, айрим жойларда қурувчилар ҳандақларни кўммасдан кетиб қолишяпти. «Гордорстройремонт» трести эса (бошқарувчиси Н. Зисман) асфальтлаш ишларини чўзиб юборяпти.

Лекин минг афсуски, бошқа объектлардаги иссиқлик трассалари қурилишини-кўнгилдагидек деб бўлмайди. Жумладан, Катта Олмазор кўчасида диаметри 500 миллиметрли қувурларни 1300 метр узунликдаги ҳандақларга ётқизиш зарур. Бош пудратчи — «Узбекгидроэнергострой» трестининг махсус ишлар бошқармаси қурувчилари бу ишни қийин ва мураккаб шароитларда бажаришяпти. Чунончи, эски уйларни бузиш, қувурларни уларнинг ўрнидан ўтказиш керак. Ҳозирча 100 оила кўчирилди. Бироқ эски уйларни бузиш ишлари оқсамоқда. Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети бу масалада сустқашлик қиляпти. Объектни ишчи кучи билан таъминлай олмаяпти. Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси пул йўқ, деган баҳона билан эски уйларни бузиш, уларга ҳақ тўлаш ишларининг чўзилишига сабабчи бўлмоқда.

Октябрь районида қурилаётган гумбазли бозорга туташувчи узунлиги 210 метрли иссиқлик трассаси қурилиши ҳам аросатда ётибди. Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси иш фронти очиб бермаяпти. Бу ердаги довдарахтлар ва дорихона ҳамон кўчирилмаган.

Шунингдек, газ қурилиши бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам яхши эмас. Айрим сабабларга кўра жойларда қурилиш ишлари суст олиб бориляпти. «Узбекгазификация» трести (бошқарувчиси М. Ҳамроев) зиммасида ўта масъулиятли вазифа турибди. Бу коллектив газ қувури қурилиши бўйича асосий ишни бажариши керак. Улар газ қувурининг бир қисмини Қозоғистон далаларидан, бугдойзорлардан олиб ўтишлари керак. Қурувчилар ҳосил йиғиб олингач, иш бошлашади. Бунинг учун шартнома ҳам тузилган.

Лекин шуни унутмаслик керакки, газ қувурини жуда қисқа муддатда олиб ўтиш лозим.

Қозонхоналар қурилиши ҳам кишини қувонтирмайди. Юнусобод массивидаги 4-«Шимолий» қозонхонани реконструкциялаш ишлари туппа-тузук бораётган эди. Бирдан қурилиш ишлари силжимай қолди. Сабаби — айрим қурилиш материаллари ўз вақтида объектга келтирилмаяпти. Бизнингча, «Главташкентстрой» раҳбарлари бу қозонхонага бир қиё боқишса ёмон бўлмасди. Бу ердаги қурувчилар Бош бошқарма раҳбарлари саноат қурилиши комплектация бирлашмаси бошлиғи Э. Каспаровга қачон «имо» қилишаркин деб анчадан буён кутиб ётишибди. Объектни зарур бўлган темир-бетон буюмлари билан шошилинч таъминлаш зарур.

— Ўзбекистон ССР Госплани ёки йил қуриладиган 9-«Ново-Чиланзарская» район қозонхонаси учун «Узбекгидроэнергострой» трестига 500 минг сўм, 10-«Шимолий-ғарбий» район қозонхонаси қурилиши учун «Средазтрансстрой» трестига 200 минг сўм маблағ ажратди,— дейди Ўзбекистон ССР энергетика ва электрлаштириш министрининг ўринбосари Г. М. Толмачев. — Агар ҳар икки қозонхона комплекс ҳолда ишга туширилишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ажратилган маблағлар камлик қилади...

Бундан ташқари Калинин район Совети ижроия комитети 9 ва 10-қозонхоналарга ўтувчи газ қувури трассалари учун жой ажратиш масаласини ҳамон ҳал этмай келяпти. Шунингдек ҳар бир район қозонхонаси қошида мазут хўжалиги қурилишига ҳам жиддий эътиборни қаратмоқ лозим. Ҳозир бу масала бутунлай четда қоляпти.

Яна бир ачинарли ҳол устида тўхталмоқчимиз. Маълум бўлишича, 1 ва 3-қозонхоналарнинг газ қувури қурилишида бажарилган ишлар учун ҳамон ҳақ тўланмаган. Ягона буюртмачи — «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси зудлик билан бу ҳатони тузатмоғи керак.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида яна бир янги ташкилот — «Таштеплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилди. Ички квартал-лараро иссиқлик тармоқлари учун жавобгар бўлган бу бирлашма қишга тайёргарлик ишларида катта роль ўйнаши керак. Айни пайтда бу ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлигидан иссиқлик тармоқларини қабул қилиб олди, бошқа носаноат министрликлари ва хўжаликлардан иссиқлик таъминоти системаларини қабул қилиб олишни давом эттиряпти. Бирлашма олдида қийин вазифа турибди. Фақат энергетика ва электрлаштириш министрлигидан қабул қилиб олинган иситиш тармоқларидаги 41 минг метр қувурни янгилаш керак. Белгиланган бу вазифаларни бажариш республика ҳукумати қарорига биноан «Главташкентстрой»га топширилди. 15 июндан бошлаб Бош бошқарма ишга киришиши ва 1 октябрга қадар бу ишларни тугаллаши керак. Вақт оз қолди. Шунинг учун ишга жавобгар ташкилотлар 4-трест (бошқарувчиси Ҳ. Тожибоев), 6-трест (бошқарувчиси М. Деревшуков), 8-трест (бошқарувчиси А. Кочеров), 11-«Висотстрой» трести (бошқарувчиси П. Саркисов), 12-трест (бошқарувчиси А. Очкас), 153-трест (бошқарувчиси Б. Муҳитдинов), 159-трест (бошқарувчиси М. Нурмухамедов), 1-уйсозлик комбинати (бошлиғи Э. Рустамов), 2-уйсозлик комбинати (бошлиғи Ю. Винтовкин) ва «Теплокоммунэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмаси (бош директори Л. Костин) коллективлари ҳамкорликда тармоқларини қабул қилиб олиш, шаҳарни иссиқлик билан бу мўхим ишга тўлиқ тайёрлаш учун белгиланган ишларни амалга оширишлари керак.

Ҳуллас, ўтган қишдаги хатоларни такрорламаслик кўпгина камчиликларга йўл қўймаслик керак. Ўзимиз, шаҳар ҳўжалиги қурилиши, иссиқлик трассаларн, газ қувурлари, қозонхоналар, иссиқлик конструкцияларн монтажлаш жонлантирмоқ лозим. Ана шундагина биз, ўтган қиш сабоқларини ҳисобга олган бўлиб, учқур от. У асло ғурурга эрк турмайди. Бунинг учун ҳозирдан, бугун-эртага эмас, куни ғанимат-дир. Бунинг учун ҳозирдан тасодиф раҳбарлар ҳам, қурувчилар ҳам, ҳамма-ҳаммамиз ҳар бирларимиз ҳам, ҳарни иссиқлик билан таъминлаш ишидаги барча камчиликларни ишлаган ишларни асло унутмасликларимиз лозим.

Л. РАШЧУПКИН, «Ташинжстрой» трести слесари, халқ контроли группаси аъзоси.

С. ҚОСИМОВ, «Таштеплосеть» бирлашмаси директори.

В. ГРЕШНИКОВ, Тошкент шаҳар ижроия комитети бошқармаси бош инженери.

Ҳ. ЖУМАЕВ, Тошкент шаҳар партия комитети қурилиш бўлими инструктори.

Т. ТОШЕВ, Э. ЗОҲИДОВ, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг махсус мухбирлари.

Шарқ юлдузи

ИЮНЬ СОНИДА


«Шарқ юлдузи» журналийнинг олтинчи сони босмадан чиқди. Журнал ёзувчи Ҳаким Назирнинг «Тоҳир Зуҳра қиссаси» билан очилади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг «Генерал Равшанов» романининг давоми, шоир Барот Бойқобиловнинг «Юлдузли осмон» достони ҳам шу сондан ўрин олган.

«Мушоира» бўлимида эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги муносабати билан Самарқанд ва Навоий областлари ижодкорларининг шеърлари берилган.

«Халқлар дўстлиги — адабиётлар дўстлиги» рубрикасида поляк ёзувчиси Анжей Шипковскийнинг «Қуёш, сув ва ўзбек нақши» номли йўл очерки, Сергей Баруздин ва Владислав Шошинларнинг Тошкент ва Ўзбекистон ҳақидаги шеърлари берилган.

Журналхонлар ушбу сонда «Болалар адабиёти: қувончлар, ташвишлар, умидлар» номли умумий сарлавҳа остида ёзувчилар, шоирлар ва танқидчиларнинг болалар адабиёти муаммоларига бағишланган мақолаларн билан танишадилар.

Журналнинг «Пушкинхонлик», «Санъат», «Гулқайчи» ва бошқа рубрикаларида ҳам қизиқарли материаллар бор.



Ҳаким НАЗИР

ТОҲИР ЗУҲРА ҚИССАСИ

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

«Пауза» сўзи қулоғимга анчадай қоқилиб қолди. Олдинига Зуҳранинг бу сўзи менга қаттиқроқ ботди. Вақтида хабар олмаганимга ўпкам қалқиб, ё бўлмаса мени ҳам ўзоқлаштирмоқчидир, деб ўйладим. Лекин, тўғрисини Зуҳра ҳақида ҳеч қандай ёмон фикр миямга сиғмас, аксинча, ёнимга тушимга кирмасди. Кейин ўйлаб-ўйлаб унинг «Пауза» дейишдан мақсади, ниҳоятида уйдагиларнинг ишига тегмай туриш, қолиб кетган машғулотларидан шикоятларига етиб олишдир. Ҳа, шундай бўлса керак. Яна у менга ҳам ўйлагандир: менинг ишларим қайнаб кетганини яхши билади-да!..

Шундай қилиб баҳорда қўшилган «пауза», мана, ёзгача чўзилиб боряпти. Аммо, майдами, кўчадами, дарсдами — ҳаерда бўлмай, Зуҳрани эслайман. Охири учар қушдай тутқич бермас хаёлларимни зўр-базўр жиловлаган-да, ўзимни-ўзим мажбур этиб, дарсларга қайта киришиб кетдим. Менга илгаридан мушкул туюладигани — математика, кўп фанлардан ҳукмини «тўрт»га чиқарган бўлсам-да, математикадан кутганни ўзгартиришнинг иложи бўлмади. Салгина бўшашсам, «икки»га тушиб қолишим ҳеч гапмас. Ўқитувчиниз Боқиев кейинги вақтларда, айниқса педсовет мажлисидан сўнг янаям жиловни анчагина тортди. «Баъзи болаларингни баҳодан сийлайман деб балога қолаёзмасин. Энди сийлаш йўқ. Кимнидир ўзгартолмаса ўзидан кўрсин» деб огоҳлантириб қўйди. Синфдошларнинг ҳам бир-бирига қарашиши қийин. Ҳеч ким ўзидан ортмайди, ўз ичида қовурилиб ётибди. Аямъ ҳаҳрат қилсам, у «афсуски математикадан сенга ёрдам тегмайди, яхшиси, домланинг ўзидан илтимос қил» дедилар. Бир куни катта танаффус вақтида юрак ютиб секин ёнига бордим-да: «Домланам, қачон фурсатингиз бўлади, сўрайдиган саволларим бориди» десам, Боқиев:

— Мен қайси бирингга вақт топаман. Ўз кучингга таян, — деди ва кетидан қўшиб қўйди. — Қизлар билан камроқ юрсанг...

Ёрдам сўрамай мен ўлай, дедим ичимда. Домланинг кўнгли маълум эди-ку, бунчалик кек сақловчи эканини билмас эканман. Энди кимдан ёрдам оламан? Ўз кучимга ўзимга қолди. Кечасию кундузи китоб-дафтар титаман.

Бир куни кечқурун дарсларимда бошим столга оғиб, ўйчага кетибман. Чўчиб кўзимни очсам, қош қорайиб қолибди. Тепамда аям. Ўнғайсизликка тушдим. «Вақтида уйғотиб қўймабсиз-да» десам, уйқунгни бузишга кўзим қиймади» дейди. Мен стол лампасини ёқиб, апил-тапил ишимга уннадим, аям деди:

— Кечаси дарс тайёрлаш зарарли, иннайкейин... — унинг қўлида буклоғлик қоғоз бўлиб, менга алланима дейишга чоғланганди. Афтимга маъноли разм солиб, жилмайиб туришидан сездим. Ҳар вақт муҳим гап айтмоқчи, бирор нарса устида танбеҳ бермоқчи бўлганида шундай қарарди. Қоғозни қўлимга тутқизди. —Ўқи муни...

Шошиб қоғозни ёздим-у, кўз югуртирдим. Бу тўрт энли хатни Зуҳра битган, сўраган дарсликларини кетган экан. Мен китобларни вақтида юборолмаганим учун ўзимни койидим. Очиғи, унинг уйидан дарсликларини қандай қилиб олишни билмай юргандим. Уйига борсам, дадаси бўлса-ку, тузук, аммаси бўлса-чи, бирон аччиқ сўз айтиб таъбимни хира қилиб қўймасмикин?! Шундай иккиланишлар билан анча муддатни ўтказиб юборганимдан ҳозир виждон азобига тушдим. Лекин буни аямга билдирмадим.

— Яхшики хат дадангни қўлига тушмади, — деди аям. — Тушса, йиртиб ташларди, нақ қиёмат қиларди. Даданг у қиз билан яқинлигингни билади. Сенинг юришгингни кўз-қулоқ бўлиб, тергай бошлагани шундан. Узларинг ҳам буни сезибсизлар, кам кўришадиган бўлиб яхши қилибсизлар.

Аям бу сўзларни қўйниб айтаркан, мени эҳтиёт қилмоқда эди. Бундан кўнглим кўтарилар, ўзимни анча хотиржам сезардим. Мени ҳимоя қиламан деб, дадам билан яна айтишиб қолишибди. Буни эрталаб пайқаб қолдим. Улар индамай ўтиришарди. Дадам чой ҳам ичмасдан чиқиб кетди. Аям уни қайтармади ҳам.

Шу куни аям ишдан қайтиб, қўлимга бир даста китоб тутқазди-да, «буларни ҳозироқ Зуҳрага етказиб бергин», деди. Суюниб кетганимдан уятни ҳам йиғиштириб, «бўпти!» деб юборибман. Лекин шу заҳоти эсимга домланинг топшириғи тушди. Физикадан қийин масалалар берган, шу кеч буларни ҳал қилишим керак. Эртага мени доскага чиқарадиган. Шарманда бўлиб қолмай, тағин, Зуҳранинг қишлоғига эртадан кейин боарман, деган хаёлга келдим.

Нари-бери овқатландим-у, дарс тайёрлашга ўтирдим. Масалалар ўзим ўйлагандан ҳам қийин экан. Неча хил усулда ишлаб кўраман, чалкаш чиқаверади. Кечаси узоқ ўтириб қолганим, аям: бунақада толиқиб қоласан, деб уришиб берди. Мен қулоқ солмай, яна ишимни қилаверадим.

— Ишлашиб юборай десам, физикага тишим ўтмайди. Шунчалик қийин экан, домлангдан сўраб олсанг бўлмасмиди! — деди аям.

— Домланинг вақтлари етишмаяпти, — дедим. Боқиевнинг тунов кунги нордон гапини айтмадим.

— Ўзлари айтдиларми «вақтим йўқ» деб? Лекин, ўқитувчи ҳеч маҳал шогирдидан вақтини аяйдими... Башарти шундай деган бўлсалар менга айтишинг керак эди, оғриқни олдини олардим. Жонингга оро кирардим.

— Аяжон, — дедим юрагим тўлиб, — ўз ташвишларингиз етарлику, ҳамма гапни сизга айтиб асабингизни бузавераманми!

— Менга айтмасанг кимга айтардинг?

— Ҳамма ишимни сиз ҳал қилиб бераверсангиз, унда қачон ўзимни ўзим эвлайдиган бўламан? Ўзингиз «болаларни қарамликдан қанча тез қутқариб мустақилликка ўргатсак, шунча яхши» деб айтар эдингиз-ку! — дедим ҳазилга олиб.

Аям менга меҳр тўла кўзларини тикиб, юрагимга чуқурроқ назар солмоқчи, дилимга ғулғула солган нарсаларни аниқ кўрмоқчи бўлдию, аммо гапни бошқа ёққа бурди:

— Қўшни аёллар: «Ўғлингиз, омон бўгур кейинги пайтда ўзини қўйиб, кўзга яқин бўпти» дейишади. «Қатиқ тикилманглар,» кўзларинг тегади» дейман... Иш билан бўлиб вақтнинг қандай ўтганини билмай қоларкансан.

Имтиҳон кунлари яқинлашмоқда. Худди қил устида турғандай юрагим безовта. Бир ёқда Зуҳрани ўйлайман. Унинг «пауза»си ҳам чўзилиб кетди. Ўхтин-ўхтин кўнглим ғаш тортиб, қилар ишимдан адашиб юргандим, китоб баҳона бўлди-ю, якшанба эрта азонда йўлга тушдим. Ўткинчи машинада тоғ қишлоғига етиб олдим. Зуҳранинг дарсликларни олиб, суюнганини айтсангиз!

Зуҳра қанча қистаса ҳам унинг олдида узоқ қололмадим. Уйга қайтдим. Бизга соатлармас, минутларгача ғанимат эди. Ўзим ўлчовли вақтлардан иложи бўлганча тўлиқ фойдаланиб, кучим борича тиришиб-тирмашиб ётсам ҳам, дадам: «вақтингни беҳуда ўтказма, ҳаракатингни қилиб қол! Имтиҳонлардан яхши ўтишга урин!» деб қисталанг қилади.

Мени ҳайрон қолдириб, домла Боқиев дарсдан кейин олиб қолди:

— Қани, Тоҳиржон, ўтирчи, бир суҳбатлашиб олайлик, — деди.

Қия турган эшикни бекитиб, ичидан қулфлаб қўйди. Умрида мен билан очилишиб сўзлашмаган, савалларимга дурустроқ жавоб бермаган бу одамнинг ҳозирги ҳаракатидан бирон яхшилик кутганим йўқ, албатта. Яна аввалгича танбеҳ, дағал дашномлар эшитсам керак, деб ўйладим. Қарасам чеҳраси очилган, қараши, муомаласи ўзгарган, енгил бир кайфиятда мени ёнига ўтказди. Суҳбатни дадамнинг соғ-саломатлигини сўрашдан бошлаб, математикадан қайси темада қийналишимни суриштира кетди. Унинг сержун, семизликдан йилтиллаб турадиган башарасига бир қарашдаёқ илжайиши зўраки эканлигини сездим. Саволларига тортиниб, чалачулпа жавоблар қайтардим.

— Ҳа, ийманма, ўғлим. отанг қатори одамман. Кўнглингда борини очиқ айтавер. Илгари нимаки ўтган бўлса... — деди йўталиб ва ютиниб олиб, — азбароби сени яқин кўрганим, ачинганимдан, аянгни ҳурмат қилганимдан... Ҳа, майли, ўтган гапга саловат, дейдилар. Қарасам, анча қийналган кўринасан. Кел, энди дарсингга қарашворай. Қандай бўлмасин, фурсат топаман. Агар бу ерда фурсат тополмасам, уйимга боравер, бемалол...

Домла билан кутилмаган бу суҳбатдан таъсирланиб уйга бордим. Бордим-у, аямдан сўрадим:

— Домлага мен ҳақимда гапирганмидингиз?

— Йўқ. Нима бўлди?

Бўлган гапни битта қолдирмай айтиб бердим. Нега унақа бўлдийкин, деб аямга савол назари билан тиқилдим. Домланинг қилиғи наша қилдими, аям кулгидан ўзини аранг тўхтатди-да:

— Одамларнинг мижози жуда нозиклашиб кетган. Буни тушунишга ёшлик қиласан, ўғлим, — деди.

— Яқинда «катта киши бўб қолдинг» дегандингиз. Энди ёшлик қиласан деяпсиз?

— Бу одам, — агар тушунсанг, сувнинг оқишига қараб сузадиганлардан.

— Тушунмадим.

— Бирон янгиликнинг ҳидини сезган бўлса эҳтимол...

— Қанақа янгилик, аяжон?

Аям яқинда райсоветнинг сессияси бўлганини айтди. Сессияда сўзга чиқибди; район комиссияси мактабни юзаки текширганини айтибди, мавжуд камчиликларни очиб ташлабди. Шу жумладан, директорнинг ўқувчиларга баҳо қўйишда қўзбўямачиликка йўл қўйгани, пахта теримида ишлаб топилган пул ноўрин сарф этилгани ҳақида мисоллар келтирибди. Ҳозир директор ўрнида қалқиб турганмиш...

Келгуси ҳафта имтиҳонлар бошланиши олдидан районо мудири директор билан аямни областга олиб кетди. Эртаси эшитсак, Сатторов ишдан олиниб, ўрнига аям тайинланибди. Шундай қилиб, бутун имтиҳонлар ташвиши аямга қолди. У Сатторовнинг мактабдан бутунлай бўшаб кетишига рози бўлмади. «Мактабга анча меҳнатингиз сингган, тажрибангиз кўп, бизга ёрдам бериб туринг» деб ўқитувчиликка олиб қолди.

МУШОИРА

Мен ёнмоқ истайман кўкни ёритиб,
Қоронғи кечанинг қоқ ўртасида.
Мен чопмоқ истайман отни ҳоритиб,
Олғир чавандозлар бош тўдасида.
Қаҳратон совуқда, авжи чиллада,
Гуллар узсам дейман, қонатиб қўлим.
Саратон қуёши тиғли паллада,
Донлар ўрсам дейман, чатнатиб дилим.
Ширин туйғуларим гул мисол сочиб,
Мен ёзмоқ истайман то нурли наҳор,
Дунёдаги мудроқ кўзларни очиб,
Утмоқни истайман ҳаётдан бедор...

Дилором ЕРМАТОВА.

Бўлмаган асло киши орзуси йўқ, армони йўқ.
Қайси боғни боғ атарлар жамбулу райҳони йўқ.
Менга армон бўлди умрим боғламоқ минг ғинл билан.
Чун ҳаёт ширинлигининг ҳадди йўқ, поёни йўқ.
Бўлмагай ширин, ва лекин, умр ҳам дилдорсиз,
Утди зулмат ичра ҳар ким ёри йўқ, жонони йўқ.
Бахтиёрман, соҳиб этди ишқ аталмиш бир жаҳон,
Мендин ўзга бу жаҳоннинг шоҳи йўқ, хоқони йўқ.
Ишқ маним измимдадир, меҳру вафо ҳукмимдадир,
Менга тобе бўлмаган бахт боғи йўқ, бўстони йўқ.
Мен Ватан фарзандиман, нурли ҳаёт дилбандиман,
Ким агар рашк айламиш, имони йўқ, виждони йўқ.
Менга ёр, гулгун диёр ҳам дўсти содиқ бўлса бас,
Бу Сирожийнинг бўлак орзуси, йўқ, армони йўқ.

Самариддин СИРОЖИДДИНОВ.

ГУЛ ВА ХАНЖАР

Оппоқ қор ёритиб тургандай тунни,
Кундузга ўхшайди худди бу оқшом.
Безовта хаёллар қувар уйқумни,
Олис-олисларда милтиллайди шам.
Кўкда юлдузларни аллалайди шам,
Қорга бош қўйганча ухлар сирли кеч.
Қўшиғин яширар муз остига сой,
Фақат мен безовта, фақат мен нотинч.
Табиат ухла деб алла айтар маст,
Ухламоқ мумкинми ахир ушбу дам.
Олисларда кимдир нега ухламас.
Нега олисларда ёнар ёлғиз шам?...

Ҳиссиз қалбни ўтли юракка
Нўноқ тақдир қўйгандай қўшиб,
Совуқ тиғли ханжар сопига
Ғунча расми қолибди тушиб.
Гулни қирмоқ ханжарнинг касби,
Сиз ёнма-ён қўйманг-да, устам.
Фожна-ку, ханжарни кўрса,
Турганда гул очилмоқ истаб...

Хосият БОБОМУРОДОВА.

Қалдирғочлар кетар бўлди биз ёндан,
Туйғулар ҳам титрадилар жимгина.
Қийналди-ку маъюс юрак ўйлардан,
Қалбни қийнаб исмсиз ўт ёнганда...
Қалдирғочни қўмсаб қолдим мен бунда,
Интизори бўлиб қолдим хатларнинг...
Қалдирғочлар қайтиб бўлди биз ёнга.
Ҳаяжондан маҳол йўқдир имларга.
Мактубларинг умидвори бўлдим мен,
Адашиб у ташлаб кетди кимларга...
Қалдирғочлар қайтиб бўлди биз ёнга...

Маруса ҲОСИЛОВА.

ЎҒЛИМГА

Қутқазиб қолдинг сен ғофил руҳимда
Чўкиб бораётган болалигимни.
Тирик мазмун пайдо қилдинг исмимда
Ва менга эслатдинг оталигимни.
Ўйлардим: барчаси бўлгандир унут,
Болалик ва олис ул қишлоқ йўли.
Хайрият, бор экан кўкламги булут,
Хайрият, очилди умримнинг гули.
Ўйлардим: ҳаётнинг борн-йўғи шу
Соатлар ҳибс этмиш иш, кеча, кундуз.
Не бахтки, барчасин енгди ишқ, туйғу,
Не бахтки, бошимда порлади юлдуз.
Чеҳрангга боқдиму сўзсиз танг турдим,
Кўриб эрта куннинг ёруғлигини.
Ўғлим, мерос каби сенга топширдим
Буюк инсоннят болалигини...

Одил ҲОТАМОВ.

ГУЛҚАЙЧИ

БОЛАЛАР ШОИРЛАРИГА ДЎСТОНА ҲАЗИЛЛАР

СПИТАМЕН ҲАҚИДА КИМ ҚАНДАЙ ЁЗАР ЭДИ?

ҚУДДУС МУҲАММАДИЙ

Азиз болажонларим,
Кулгуқ қақажонларим,
Сизга айтай афсона,
Афсонани — дурдона:
Алпомишдек ҳайқириб,
Элни жангга чақириб,
Спитамен от қўйса,
Ўғланни азот қўйса,
Митрат эди далалар,
Кўрғонлару қалъалар...

ПУЛАТ МЎМИН

Спитамен деганн
Паҳлавон эди,
Ҳам ўзига яраша
Меҳрибон эди.
Ҳозир бизнинг
деҳқонлар
Ичида полвон,
Аммо, чўлу саҳронн
Қилдилар бўстон.

ТОЛИБ ЙЎЛДОШ

Спитамен Доро билан
Бир талашган эса у дам,
Соф туркийдан ташқари,
У
Билган, демак, форсийнн
ҳам.
Юмончалаб Искандарга
Дўқ уришдан эди наф
кўп...
Чет тилнни ўрган, болам,
Тил билишда жуда гап
кўп.

ТУРСУНБОЙ АДАШБОЕВ

Сўғдиёна фожиаси
Ёдга тушдию шу чоқ,
Спитамен кўйлагнга
Ухшаб кетди Лолатоғ.
Укажонлар, ўша дамнн
Эслаш оғир одамга,
Эҳ, ўшлнклар ўз вақтида
Боролмадн ёрдамга.

МИРАЗИЗ АЪЗАМ

Тингланг,
Эй, трусиги
Бир сўм қирқ тийинлик
болакайлар!
Спитамен мард эди,
қалбн тўла дард эди;
Кун бермасдн зўрларга,
Очкўз тайёрҳўрларга.
Афсуски, хиёнат бокс,
бир беднёнат бокс,
Оламдан ўтдн,
Бизнн ташлаб кетдн...
Мен... мен...
болалар адабиётнни
ташлаб кетганимдек.

ЙЎЛДОШ СУЛАЙМОН

Утмнш — уйқудагн бобо,
Уйқусннн бузмайнн.
Спитамен турсни,
Сизга —
Набнведан сўзлайнн.

МУҲАММАД РАҲМОН

Бақтрня томонда,
Эрамиздан олдинроқ,
Спитамен номн-ла
Йўргакландн чақалоқ.
Билмас Македоння,
Билмасни ғофил Эрон:
Бошга бир бало бўлиб
Улғаяр бу полопон.

АНВАР ОБИДЖОН

Спитамен отда борар
Дўпкр-дўпкр.
Юраги дер: «Ёвнн
юртдан
Супур-супур!»
...Кимдир яшар
чигирткадек:
Чирик-чирик.
Бундайларнинг ўй-хаёли
Тирикчилик.

РАУФ ТОЛИБ

Мирзалол нега лол!
Чунки, «тарнх»нн билмас.
Копток тепар донмо,
Бош қотирнб дарс
қилмас.
Ўқитувчи сўраса
Спитамен, кнм дея,
Дер: «Бунақа ўйннчи
«Пахтакор»да йўқ, яя!»

Сафар БАРНОЕВ

Спитамен роса жанг
қилди,
Сардор бўлиб кўплаб
юришга,
Дарё-дарё қонлар
тўкилдн...
Йўл қўймайлик энди
урушга!

ҲАБИБ РАҲМАТ

Спитамен — Сўғднинг
ботқри,
Искандарнинг берди
додннн.
Енгилмасдн бировдан,
ука...
Мағлуб қилдн унн
хотинн!!!

КАВСАР ТУРДИЕВА

— Ойжоним, ойнжон,
Спитамен кнм ўзн!
—Наҳот шунн билмайсан,
Ҳознр айтаман, қизим.
Қўшмугузлн Искандар
Еган унннг таёғнн...
Бор, энди уйнн супур,
Тушунмайсан уёғнн.

ҚАМБАР ЎТАЕВ

Баъзн шахслар ҳақнда
Кимднр кўп,
Кнм кам билар.
Спитаменнн
Ҳатто...
Исфандиёр ҳам билар.

ҲАМЗА ИМОНБЕРДИЕВ

Мен гапнрай,
кичкинтойлар,
Сизлар жим солннг
қулоқ,
Спитамен ҳикоятн
Жуда қизнқ ва узоқ.
Лекин тарнх кнтобнда
Езилгандир қисқача.
Унн ўқнб чиқнш мумкнн
Санагунча қирққача.

Анвар ОБИДЖОН.

Ажойиботлар оламида

ҲАВО АКРОБАТИ

Толиқўрғон табиатшунослик кўригидаш жамиятининг аъзолари А. Бадебгина қолишди. Улар «Ўзбекистон циркдагидек» Жунгория олатовида Қоплон (Илвирс) билан юрган тоғ эчкилари подасининг шоҳини бўлдилар.

Қоплон қоялар орасида тинчгина ўтлаб ўтирган эчки устига сакраб чиқиб олди. Ўтакаси ёрилган эчки ўз «чавандози» билан бирга тоғ қояси бўйлаб югурди, сўнгра ўзини жарликка отди. Қоплон вазиятни дарров фаҳмлаб етди: учиб кетаётиб, дара тубига тушаётган такадан ўзини четга отди ва ҳавода муаллақ туриб, тик бир қояга олдинги оёқлари билан илашиб қолди, сўнгра секин-аста чўзилиб кўтарилиб, қоя тепасига чиқиб олди. Бир неча бор енгил сакраб кўздан ғойиб бўлди.

Жунгория олатови планетамизда Илвирс Қоплонлар сақланиб қолган озгина жойлардан биридир. Бу ҳайвонлар давлат муҳофазасида туради. Ҳайвонларни сўнгги марта рўйхатга олиш уларнинг сони секин-аста кўпайиб бораётганлигини кўрсатди.

Толдиқўрғон.
В. ГАНЖА,
ТАСС мухбири.

А. В. СТАНИШЕВСКИЙНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Ёзувчи ва шарқшунос

Бугун республикамизнинг кекса ёзувчиларидан бири Андрей Владимирович Станишевский (адабий таҳаллуси Азиз Ниалло) туғилган кунга 80 йил тўлди.

Коммунист ёзувчининг ҳаёт йўли Ватанга фидокорона меҳнат қилишнинг ёрқин намунасидир. У меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлади, инқилобдан олдинги йилларда ҳаёт тўлқинларида тобланди. 1917 йилнинг иккинчи ярмидан штампалаш фабрикасида ишлай бошлади. 1920 йилнинг кузида оқ поляклар билан уруш олиб борилаётган пайтда у Қизил армия сафига кўнгилли бўлиб кирди. Фронтдан сўнг эса Киев ташқи алоқалар институтига ўқишга қабул қилинди. Институтни битиргач А. Станишевский Туркистонга ишга юборилди. Унинг кейинги ҳаёти Ўрта Осиё билан чамбарчас боғлиқ. Ўн йилча Давлат хавфсизлик органларида хизмат қилди, совет хокимиятини мустаҳкамлаш ишларида актив қатнашди.

20-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб «Правда Востока» газетаси, «Ўрта Шарқ матбуоти бюллетени» ва «Хорижий Шарқда» журналларида А. В. Станишевскийнинг мақолалари эълон қилиниб турди. У бевосита «Ўрта Осиё халқлари совет адабиёти» журналини ташкил этишда иштирок этди.

1933 йилнинг баҳорида В. Р. Менжинскийнинг кўрсатмасига асосан А. В. Станишевский босмачилар тарихи бўйича очерклар ёзишга киришади. СССР Фанлар академияси Тожик-Помир экспедициясининг махсус партиясига бошлиқ этиб тайинланган А. В. Станишевский Помир ва Ҳиндикушолди ўлкалари аҳолисининг тарихи, этнографияси ва диний ақидалари ҳақида ноёб материаллар тўплашга муваффақ бўлди. У ўзининг чекистлик ишларида адабий фаолиятни сусайтирмади. 1933 йили жиноятчиларни қўлга олишда жароҳатланади. Шундан сўнг пенсияга чиққан Андрей Владимирович Максим Горький ва А. Шчербаковларнинг тавсиясига кўра адабий ва шарқшунослик фаолиятини давом эттирди.

1934 йили А. В. Станишевский СССР Ёзувчилар союзи аъзолигига қабул қилинади. У ёзувчилар Марказий уйи правлениеси раисининг ўринбосари, СССР Ёзувчилар союзи Миллий секторининг раҳбари сифатида иш олиб боради. А. Станишевский СССР Ёзувчилар союзининг миллатлар комиссиясида Қирғизистон комиссияси бўйича раис, Ўзбекистон комиссияси раисининг ўринбосари вазифаларида хизмат қилди. 1940 йили унинг «Афғонистон» деб номланган китоби, афғоншуносликка оид рисолаларн чоп қилинди. Бир йилдан сўнг эса «Қирғизистон ва Ўрта Осиёда революция ва граждалар уруши тарихи очерклари» босилди.

Улуғ Ватан уруши бошларида А. В. Станишевский кўнгиллилар сафида қуролли кучлар сафига киради. 1947 — 1948 йилларда Помирда совет-афғон чегарасини демаркация қилишда қатнашади. Шундан сўнг у адабий, илмий ва жамоатчилик фаолиятини кенг кўламда давом эттиради.

А. В. Станишевский «Помир тоғлари шундай дейди», «Уйғонган Шарқ» романлари ва бошқа бир қатор қиссалар, очерклар тўпламларининг муаллифидир. Бу асарларнинг кўпчилиги ўзбек, рус ва форс тилларида эълон қилинган. У Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Узглавархив»нинг илмий совет аъзоси, ЮНЕСКО қарорига асосан Москвада нашр этиладиган «XIX ва XX асрнинг бошларига доир манба ва ҳужжатларда Марказий Осиё» альманахининг редколлегия аъзосидир.

Ёзувчининг адабий ва ижтимоий фаолияти партия ва ҳукуматимиз томонидан юксак тақдирланган. У Қизил Юлдуз ордени, бир қатор медаллар, «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан тақдирланган.

● МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАНГАН АСАРЛАР

Ўзбекистон ССР Композиторлар союзи халқ ижоди комиссиясининг йиғилиши бўлди. Унда республикамиз халқ бастакорларининг Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб яратаётган янги музика асарлари муҳокама қилинди. Тельман Ҳасанов, Қаҳрамон Комилов, Орифхон Хатамов, Обид Одилов ва бошқа санъаткорлар юбилейга атаб ёзган асарлар концерт ташкилотларида ижро этиш учун тавсия этилди.

Композиторлар союзи республикамиз юбилейига бағишлаб саноат корхоналари ва бошқа меҳнат коллективларида композитор ва бастакорларнинг ижодий кечаларини ҳам ўтказмоқда.

РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА

Тошкент Давлат цирки коллективи республикамиз юбилейига бағишлаб янги ранг-баранг программа тайёрламоқда. Ундан ўзбек цирк усталари ижросидаги оригинал ўйинлар жой оладн. Ҳавода гимнастик машқлар бажарувчи Раъно Розихўжаева, биринчи марта манежда оқ тулпар билан чиқадиган Баҳром Мажидов, республикада хизмат кўрсатган артист Л. Хўжаев раҳбарлигидаги чавандозлар, республике халқ артисти Л. Хўжаева, эквилибристкачи Зуҳра Юсупова, республикада хизмат кўрсатган артист А. Тошкенбоев раҳбарлигидаги ўзбек дорбозлари ҳам қизиқарли томошалар кўрсатишади.



ҲАЙКАЛТАРОШЛАР КЎРГАЗМАСИ

Республика Киночилар уйида истеъдодли ҳайкалтарошлар Ж. Қутмуротов ва А. Бойматовлар яратган асарлар кўргазмаси намойиш этиляпти. Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи ва Кинематографчилар союзи томонидан уюштирилган кўргазмада санъат мухлисларк замонавий ва тарихий мавзудаги ҳайкалтарошлик асарларнни катта қизиқиш билан томоша қилишмоқда.

Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби А. Бойматовнинг «Умар Хайём», «Хоразмий», шунингдек, Ж. Қутмуротовнинг Қорақалпоғистон меҳнаткашлари образларн гавдалантирилган ҳайкалтарошлик асарларн ўзининг бетакрор жозибаси, нафислиги билан ажралиб турадн.

СУРАТЛАРДА: А. Бойматов ўз ижодхонасида— юқоридаги сурат; пастда ҳайкалтарош яратган асарлардан намуналар. В. Дубровский фотолари.





ЯНГИ ЭКСПОЗИЦИЯ

Ўзбекистон ССР Давлат санъат музейида СССР халқ рассоми, СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси Урол Тансиқбоев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган экспозиция намойиш этиляпти. Музейнинг тасвирий санъат бўлимида очилган экспозицияга она табиатнинг хассос куйчиси яратган «Баҳор», «Ўзбекистонда март», «Яйлов», «Иссиққўл оқшоми», «Салорда баҳор», «Меҳнинг қўшиғим» каби ранг-баранг картиналар қўйилган.

Музей илмий ходимлари томошабинлар учун Урол Тансиқбоевнинг ижодий фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи суҳбат ҳам тайёрладилар.

М. АҲМЕДОВ.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

18 ИЮНЬ, 1984 й.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!


ОҚШОМ ҚУНИШИ БИЛАН СИЗ ЧИРОҚЛАРНИ ЁҚИБ, ХОНАДОНИНГИЗНИ ЧАРОҒОН ЭТАСИЗ.

КВАРТИРА УЧУН ҚАНЧА ЧИРОҚЛАР БЎЛИШИ ЛОЗИМ?

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чироқлар қанчалик кўп бўлса шунчалик яхши. Қандил, торшер, бра хонадонни фақатгина безаб қолмай, балки ҳар бир чироқ бизнинг юмуш қилишимизда, дам олишимизда энг яқин, беминнат ёрдамчимиз бўла олади.

Сиз алоҳида хонада дўстлар билан бафуржа суҳбат қураётганингизда албатта торшерни ёқасиз.

Ёзув столи учун стол лампасининг ўзи етарлидир.



Каравот ёки диван олдида бра туриши жуда ҳам қулайдир.

Сиз бутун оила аъзоларингиз ва дўстларингиз билан байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлсангиз, албатта чарақлаб турган жозибали қандилни ёқиб юборасиз.

СИЗ ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДАН

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган ва чет эллар (ГДР, Польша)**дан келтирилган ранг-баранг ЧИРОҚЛАРни;**

мода тусига кирган биллур ва чинни ҚАНДИЛЛАРни;

оддий ва қулай СТОЛ ЛАМПАЛАРини;

гардиши шойи абажурли ТОРШЕРларни

СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ (телефон 55-39-66).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24, 45-37-28).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

«УЗЭЛЕКТРОМОНТАЖ» МАХСУС ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ

11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ:

ёритиш бўйича электр монтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электр монтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр қурилмалари бўйича электр монтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандловчи, коммутация иккиламчи тармоқлари бўйича электр монтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи, (Ватанимизда ва чет элларда ишлаб чиқарилган), **контроль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича слесарь, киномеханик** (фильмларни текшириш ишини бажара оладиган), **радиотелевизион аппаратларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик.**

Ўқиш муддати — 1, 2, 3 йил.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 14,5 ЁШДАН КАТТА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга 8 синф ҳажмида маълумот билан қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тўла ўрта маълумот ҳамда ихтисоси тўғрисида диплом оладилар. Ўқувчилар уч маҳал иссиқ овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар. 10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар ойига 30 сўмдан 76 сўмгача миқдорда стипендия оладилар. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида электромонтажчилар, электр-газ пайвандловчилар группаларининг ўқувчилари иш ҳақининг 50 процентини оладилар ва уларга ётоқхона берилади, бошқа группаларнинг ўқувчилари иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган ва электр монтажчи мутахассисликлари бўйича ўқишга кирган йигитлар учун ўқиш муддати бир йил кўпроқ қилиб белгиланган: 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун 10,5 ойга.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАНИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртларига киришда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар корхоналарда мажбурий иш муддатини ўтамаган ҳолда ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишни давом эттириш учун юборилади.

Билим юрти яхши спорт базасига эга, 14 спорт секцияси ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари мавжуд.

АРИЗАЛАР СОАТ 9.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: директор номига ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси; турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3х4 см.),

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановодик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 40, 45, 58, 70, 79-автобусларнинг 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ГОСКОМТРУД УЗБ ССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КИРОВ РАЙОНИДАГИ КОНСТРУКТОРЛИК БЮРОСИГА

автотранспорт механиги, бухгалтер.

ЛЕНИН РАЙОНИДАГИ ТРАНСПОРТ ТАШКИЛОТЛАРИГА

1—3 класс ҳайдовчилари, ҳаракатдаги состав ремонти бўйича электрослесарлар.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

тўқувчилар, тикувчи-мотористкалар.

МАЪЛУМОТЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 64-уй.
Ҳамза район пункти —М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 53-уй.
Киров район пункти— Энгельс кўчаси, 48-уй.
Собир Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
Акмал Икромов район пункти —Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — 2-квартал, 69-уй.

СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗГА МУНТАЗИРМИЗ!

Вақтдан оқилона фойдаланиш, уни тежаб-тергаш — бугунги кунниинг ғоятда муҳим масалаларидир. Буни саноат, транспорт, алоқа корхоналарининг инженер-техник ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари, меҳнатчилари ва албатта савдо хизмати кўрсатиш ходимлари ҳал қиладилар.

Аҳоли талабини ўрганиш бўйича саволлар ёзилган анкета энг яхши қулайлик яратиш, харидорларнинг талабини тўла ўрганиш, иш тартибини янада қулай қилиб ўзгартиришда яқиндан ёрдам беради. Ана шу анкеталар туфайли 1980 йилда 618 магазин, 1981 йилда 228, 1982 йилда 461 магазин янгича ишлаш тартибига ўтказилди. 1983 йилда 545 магазиннинг иш графиги ўзгартирилди. Шулардан: 76 таси барвақт очиладиган, 376 таси кечроқ ёпиладиган, 193 таси танаффус вақти ўзгартирилган, 108 таси дам олиш куни якшанбадан ҳафтанинг бошқа кунига кўчирилган, 22 таси дам олиш кунисиз ишлайдиган магазинлардир.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

ТОШКЕНТДА 1 ИЮНДАН 1 АВГУСТГАЧА «АҲОЛИГА МАДАНИЯТЛИ САВДО ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ИККИ ОЙЛИГИ» ЎТКАЗИЛМОҚДА

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ АНА ШУ КЎРИКДА ФАОЛ ҚАТНАШИБ ВА АНКЕТАНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ ҚАЙТАРИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИ:

Сизнинг жавобларингиз, фикр ва мулоҳазаларингиз сиз учун янада янги, бир мунча қулай бўлган иш тартибини яратишда қўл келади.

АНКЕТА

1. Сиз ҳар доим кириб турадиган магазиннинг мавжуд иш тартиби сизни қаноатлантирадими? Унинг иш тартибини яхшилаш юзасидан сизнинг таклифларингиз (магазиннинг тартиб номерини ва у қайси савдо ташкилотига мансуб эканлигини кўрсатишни унутманг) _____

_____

2. Сиз ана шу магазинда қандай қўшимча хизмат жорий этилишини тавсия этган бўлур эдингиз? _____

_____

3. Ана шу магазиннинг савдо ходимларига нисбатан сизда қандай фикр ва мулоҳазалар бор? (ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исмини ёзиб кўрсатинг) _____

_____

4. Магазин ичидаги ахборот системаси сизни қаноатлантирадими? (эълон, кўрсаткичлар, баҳо ёзилган қоғозлар)

_____

_____



5. Магазин ва унинг атрофидаги территориянинг санитария аҳволи тўғрисида сизнинг фикрингиз _____

_____

6. Савдо зали ходимларининг шахсий гигиена даражаси қандай? _____

_____

7. Биринчи марта талаб қилинганида таклиф ва мулоҳазалар китобини сизга дарров беришадими? _____

_____

8. Сизни қизиқтирган масалаларни ҳал этиш учун магазин мудири билан учрашув имконияти борми? _____

_____

9. Эркакларнинг савдо хизмати кўрсатишда иштирокини қандай баҳолайсиз? _____

_____

Сизларнинг жавобларингизни кутамиз.

Тўлдирилган анкетани қуйидаги адресга юборишингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, 47-алоқа бўлими, Пролетар кўчаси, 6-уй. Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармаси (ташкилий бўлим).

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ (телефон 33-68-83).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-28).



ОМОНАТ КАССАЛАРИ ХИЗМАТИ

ОМОНАТ КАССАСИНИНГ ҲИСОБ ЧЕКИ

МАҒАЗИНЛАРДАН ХАРИД ҚИЛИНАДИГАН САНОАТ МОЛЛАРИ УЧУН СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИ ҲИСОБ ЧЕКИ ЁРДАМИДА НАҚД ПУЛ ТЎЛАМАЙ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ МУМКИН.

Ҳисоб чеки эгасининг номи ёзилган пул ҳужжатидир. Чек жамғармадаги маблағ ёки нақд пул эвазига 200 сўмдан 10000 сўмгача миқдорда берилиши мумкин.

Ҳисоб чеки қаерда берилганидан қатъий назар мамлакатнинг исталган районидаги давлат ва кооперация савдоси магазинларига олинган мол учун ҳисоб-китоб қилиш мақсадида тақдим этилиши мумкин.

Ҳисоб чеки икки ой давомида ҳақиқий ҳисобланади. Фойдаланилмаган ҳисоб чеки эгаси томонидан уни олган жойдаги марказий омонат кассасига қайтарилади.

Матлубот кооперацияси магазинларидан сотиб олинадиган 200 сўмдан ортиқ баҳодаги саноат моллари ва махсус автомарказлар ҳамда ВАЗ техника хизмати кўрсатиш станцияларидан олинадиган енгил автомобиллар учун жамғарма счетидан тегишли маблағни ушбу ташкилотлар счетига ўтказиш йўли билан ҳам ҳисоб-китоб қилиш мумкин. Бундай ҳисоб-китоблар жамғармачи топшириғига кўра, махсус автомарказ ёки ВАЗ техника хизмати кўрсатиш станциясининг унга автомобиль сотиб олиш ҳуқуқини берадиган кўчирмаси ёки мажбурият—билдириш хатини кўрсатган ҳолда амалга оширилади.

Буюмлар учун нақд пул ўтказмай ҳисоб-кисоб қилиш қулай, бу меҳнаткашларни буюмлар сотиб олиш мақсадида ўз ёнида нақд пул олиб юришдан озод қилади.

СССР ДАВЛАТ МЕҲНАТ ОМОНАТ КАССАЛАРИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

ТВ

душанба

18 ИЮНЬ

● МТ I

18.30 «Онамларнинг мактаби».
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». «Коллективга шундай ҳуқуқ берилган». «Запорожтрансформатор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг иқтисодий эксперимент шароитидаги иш тажрибасидан.
20.05 «Арктикадаги жасорат». Челюскин эпопеяси қатнашчилари ҳақида телеочерк.
20.35 «Берлиоз ҳаёти». Олти серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Василь Биков. Ижоди саҳифалари».
22.55 Балет артистларининг концерти.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Қишлоққа — такомиллашган техника». Илмий-оммабоп фильм.
19.00—20.30 Спорт программаси: Спидвей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
Академик эшкак эшиш бўйича СССР чемпионати. Хотин-қизлар.
Теннис. Дэвис кубоги. СССР — Монако терма командалари.
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 Время».
22.05 «Бугун ёки ҳеч қачон». Бадиий фильм.
23.30 «Хатларингиз асосида». Мусиқали кўрсатув.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Ҳаёт каби тирик».
19.00 Қорақалпоғистон телевидениесининг программаси. Тахиатош шаҳар Пионерлар уйи бадиий ҳаваскорларининг концерти.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Қорақалпоғистон телевидениеси программасининг давоми. «Хабар». Информацион программа.
20.00 Бердах номидаги мукофот лауреати, рассом Ж. Изентоевнинг ижодий портрети.
20.30 «Ахборот».
20.50 Қорақалпоғистон телевидениеси программасининг давоми. Қорақалпоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, Нукус Давлат университети «Хурлима» ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Қорақалпоғистон телевидениеси программасининг давоми. П. Телегенов. «Оналар». Телевизион спектакль.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45 «Масис маркаси билан». Телефильм.
19.00 «Қизиқарли математика».
19.30 Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II.

сешанба

19 ИЮНЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Верховина» куйлайди ва рақсга тушади.
10.20 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
11.20 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм. 4-серия.
12.10 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Ўз уфқи оша». Телефильм.
15.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
16.15 «Стадион ҳамма учун».
16.50 «Драматургия ва театр». Л. Леонов. «Ҳужум».
17.35 Мактаб ўқувчиларининг СССР халқ ўқитувчиси Г. А. Иванова билан учрашуви.
18.10 Концерт.
18.25 «Хавфли тенденциялар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Э. Мнацаканов олиб боради.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сизлар учун, қадрли ўртоқлар». Ветеранларнинг талабларига биноан концерт.
20.05 «Фан ва турмуш».
20.35 «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия.
21.30 «Время».
22.05 Союзлар уйининг Колонна залида санъат усталарининг концерти. Танаффус пайтида (22.55) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.20 «Тоғли ўлка». Телефильм.
9.30 «Бугун ёки ҳеч қачон». Бадиий фильм.
10.55 А. Гриннинг ҳаёти ва китоблари.
11.45 «Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида». 3-кўрсатув.
12.30—13.40 Болалар учун фильм. «Асов от».
14.10 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати Анатолий Карпов билан учрашув.
14.50 «Будильник».
15.20 «Рус тили».
15.50 «Ватан фарзанди».
16.20 «Дунё ва ёшлар».
16.55 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30—20.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.45 «Т. Г. Шевченко поэзияси».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Днепр» — «Динамо» (Тбилиси).

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Қорақумдаги Нептун».
10.35 Мактаб ўқувчиларн учун. «Светофор».
11.30 «Индинги кун жадвали». Бадиий фильм.
12.55 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.25 Ўсмирлар учун. «Тенгдош» (рус.).
19.15 «Ахборот» (рус.).
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — МАСК. «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус вақтида — «Ахборот».
21.20 «Крим» афсонаси». Катталар учун мультфильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ғўза парваришига — аъло сифат».
22.25 Телевизион театр. Асқад Мухтор. «Қўшнилар».
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.00 МТ II
18.10—18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.45 «Ёз оқшоми». Телефильм.
18.55 «Геология хизмати — беш йилликка» (рус.).
19.25 «Инсонлар тақдири». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Эртага — премьера». Кинокўрсатув (такрорий).
21.30 МТ II

4 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-54-19; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

18 ИЮНЬ. 1984 й. Р— 12325 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10